2016 ЙИЛ 28 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (13.213)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Чорак аср олдин қишлоқ деса пахта даласи, ишчи деса пахтакор, машинасозлик деса пахта терув машинасини тасаввур қилган одамга бир неча йилдан сўнг Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлар қаторида бўлади, десангиз қай аҳволга тушарди?! Тўғри-да, буғдойни ҳам четдан келтиришга мажбур бўлган аграр республикада мустақилликка эришганидан кейин атиги беш йил ўтиб энг мураккаб, замонавий саноат тармоғи – автомобилсозликка асос солиниши дунёда кузатилмаган воқеликдир.





ХАЛҚИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ ИФОДАСИ

Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиз тарихидаги энг улуғ сана – истиқлолнинг 25 йиллик тўйига яқинлаштирмоқда. Ана шундай шукуҳли дамларда юртдошларимизнинг ҳар бири ҳаётига янада теранроқ назар ташлаб, ким эдигу ким бўлдик, деган саволга жавоб қидириши табиий. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тарихан қисқа даврда амалга оширилган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олишга қаратилган изчил ислоҳотлар халқимизнинг улкан яратувчанлик ва интеллектуал салоҳиятини Ватанимиз равнақи, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашимиз, буюк орзуларимиз рўёби йўлида сафарбар этиш имконини берди.

Дунёнинг етакчи таҳлилчилари мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти сирини очиш устида бош қотириб келмоқда. 90-йилларнинг бошидаёқ бозор иқтисодиётига ўтишнинг стандарт шаклларидан воз кечган бўлса-да, бир неча йил ўтиб собиқ иттифоқ республикалари ўртасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсишига эришилиши, кам таъминланган аҳоли қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш тизимининг жорий қилиниши, нефть, ғалла сингари стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар билан ўзини ўзи таъминлай бошлаши – буларнинг барчаси халқаро жамоатчилик учун кутилмаган воқелик бўлди.

Бундан йигирма йил аввал Асака автомобиль заводи ишга тушди. 1996 йил 19 июль куни Асакада "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов ўша тантанали маросимда бундай деди: "Ўзимизнинг юртимизда ҳам, узоқ ва яқин қўшниларимиз ҳам яхши тушунадики, бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисодий ва молиявий имкониятларга, балки катта маънавий қудратга, қолаверса, катта юракка ҳам эга бўлиш керак".

Автомобилсозлик дунё саноатининг энг пешқадам тармоқларидан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб ўн фоизини шакллантираётган ушбу тармоқ иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартиришга қодир. Бинобарин, автомобилсозлик ишлаб чиқаришга энг илғор ва мураккаб технологияларнинг кенг жалб этилиши, маҳсулотларнинг улкан қўшимча қийматга эга бўлишини таъминлайдиган қайта ишлаш тармоқларининг вужудга келишини рағбатлантириш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тармоқда яратилаётган ҳар бир иш ўрни бошқа тармоқларда еттидан ўн бештагача иш жойи очилишига, мамлакатда юқори малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ортишига замин яратади.

Юз хилдан кўп

Мустақилликка қадар енгил автомобилга эга бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмасди. Мутлақо янги технологиялар, энг илғор талаблар асосида ишлаб чиқарилган миллий автомобилсозликнинг илк намуналари – "Damas", "Nexia" ва "Tico" юртимиз йўлларида пайдо бўлиши автомобиллар ҳақидаги тасаввурларимизда, таъбир жоиз бўлса, инқилоб юз беришига сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жалб қилиниши, модернизациялаш тадбирларининг изчил амалга оширилиши самарасида миллий автомобилсозлик жадал ривожланаётган саноат тармоғига айланди. Бинобарин, ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳри, Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида замонавий корхоналар барпо этилиб, юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк автомобиллари, махсус транспорт воситаларининг тури юздан ошиб кетди!

Асака автомобиль заводи ўз фаолияти кўламини йил сайин кенгайтириб борди. Миллий автомобилсозликда янги русумлар пайдо бўлди. 2001 йилнинг август ойида "Matiz" хэтчбеки, 2002 йилнинг сентябрида янги русумдаги "Nexia DOHC" седани тақдим этилди.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги: қишлоқ хўжалигида эришилган натижалар барқарор ривожланиш омили" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Иқтисодиёт, Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Ўрмон хўжалиги, давлат ветеринария бош бошқармалари, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис қуйи палатаси Спикери ўринбосари С.Турдиев, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Т.Эшназаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилгани, бунинг самарасида ҳосилдорлик ошиб бораётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Экин майдонлари оптималлаштирилди, мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Йиғилишда сифатли, эртапишар, серҳосил навларни экишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда юқори самарадорликка эришилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда олим ва мутахассислар олиб бораётган илмий изланишлар, янги навларни яратиш ҳамда табиий-иқлим шароитимизга мослаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар юксак самаралар бермоқда.

Давра суҳбатида Президентимиз ташаббуси билан яқинда пойтахтимизда ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш, мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилгани қайд этилди.

Йиғилишда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мазкур йўналишда тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифатини яхшилаш, қабул қилинган қонунларни амалга татбиқ этиш механизмларини янада такомиллаштириш ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ролига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

ҚОНУНЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Д.Абдуқодиров ва бошқалар қонун устуворлиги Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган "ўзбек модели" тамойилларидан бири эканини, мустақиллик йилларида мамлакатимизда мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президентимиз томонидан 46 қонун лойиҳаси илгари сурилди. Ҳозирги кунгача улардан 34 таси қабул қилиниб, кучга кирди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилишда парламентнинг фаолиятини жонлантириш, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини оширишга хизмат қилмоқда.

– Ҳар бир қонун давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини кўзлаб қабул қилинади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бунёджон Эшонқулов. – Қонунларнинг моҳияти жамиятнинг барча қатламига етиб боргандагина улар яхши самара беради. Шу маънода қонунлар ва соҳадаги ислоҳотларни тарғиб этиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш биз, депутатларнинг вазифамиз.

Давра суҳбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига қабул қилинаётган қонунларнинг таъсирини кучайтиришда Қонунчилик палатасининг роли ва аҳамиятини янада ошириш бўйича фикр алмашилди. Муайян қонунчилик ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида ташкилотнинг кейинги икки ярим йиллик фаолияти таҳлил қилинди, келгуси вазифалари белгилаб олинди.

● Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқали театрида "Ягона-сан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

● Термизда кураш бўйича "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақаси ўтказилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақанинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган 13-14 ёшдаги 84 ўғил-қиз ўз вазн тоифасида гиламга тушди.

● Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги, саноат, кичик бизнес ва бошқа йўналишларда амалга оширилган лойиҳалар асосида жорий йилнинг олти ойида 18 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. 2016 йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган вилоят фаоллари йиғилишида бу алоҳида таъкидланди.

● Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Мустақиллик йилларида жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалла институтининг роли" мавзусида семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Хитойда юз бераётган кучли ёғингарчилик ва унинг оқибатида юзага келган тошқин туфайли тахминан 164 киши ҳалок бўлган, 125 нафар фуқаро бедарак йўқолган, шунингдек, 126 мингга яқин хонадон вайрон бўлиб, 344 та уй турли даражада зарар кўрган.

● Швейцариянинг Лозанна федерал политехника мактаби тадқиқотчилари анорнинг инсоннинг саломатлиги учун фойдали хусусиятларини аниқлаш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борди. Изланишлар сўнгида мазкур мева кўплаб хасталикларга даво эканлиги, хусусан, организмнинг қариш жараёнини сезиларли даражада секинлаштириши аниқланди.

● Дунёдаги энг охирги видеокассеталар ишлаб чиқарувчи компания ўз фаолиятини тўхтатмоқда. Яъни, Япониянинг Funai Corporation компаниясининг раҳбарияти ўз қарорини бутловчи қисмларнинг етишмовчилиги билан изоҳлади.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Компания деярли ҳар йили харидорларни янгиликлар билан хушнуд этиб келмоқда. 2003 йилда автомобиль саноатимиз "Lacetti" русумидаги автомашина ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. 2004 йилнинг декабрь ойида бир литр ҳажмли двигатель ва автомат узатмалар қутисига эга "Matiz Best", 2006 йилнинг февраль ойидан янги "Damas II" автомашиналари ишлаб чиқарила бошланди.

2008 йилда тармоқдаги тўнғич корхона – Асака автомобиль заводи ҳаётида янги давр бошланди. Унинг негизида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ҳамда "General Motors" компанияси таъсисчилигида "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси ташкил этилди. Ўзбек автомобиллари сафи янги, замонавий ва сифатли автомобиллар ҳисобига янада кенгая бошлади. 2010 йилда анча такомиллаштирилган ва технологик ихчамлаштирилган "Chevrolet Spark", 2011 йилда модернизация қилинган "Chevrolet Captiva", 2012 йилда "Chevrolet Malibu", 2013 йилда "Chevrolet Cobalt" автомобили ишлаб чиқарила бошланди. Сўнгги йилларда миллий автосаноатимиз автомобиллари қаторига янги русумдаги машиналар қўшилди. Хусусан, янгиланган "Lacetti", 2014 йил бошида "Orlando" оилавий автомобили намойиш этилди.

– 2015 йилнинг июль ойида "GM Uzbekistan" акциядорлик жамияти янги – "Labo" автомобилини омма эътиборига ҳавола қилди, – дейди "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари Алишер Комилов. – Compact LCV автомобиллар тоифасига кирадиган мазкур автомобиль кичик ҳажмли юкларни ташишда жуда қўл келиши билан ажралиб туради. Ушбу транспорт воситаси қисқа фурсатда "Damas" ва "Orlando" русумидаги автомобилларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган "Хоразм авто" заводининг навбатдаги муваффақиятли лойиҳаси бўлди.

"Nexia"ни мамлакатимиз автомобилсозлигининг энг муваффақиятли лойиҳаларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Маълумотларга кўра, мазкур русумнинг биринчи ва иккинчи авлодидан мамлакатимизнинг ўзида бир миллиондан зиёдроғи сотилган. Жорий йилнинг 27 май куни мамлакатимиз автомобилсозлари жамоатчиликка "Nexia"нинг учинчи авлодини тақдим этди. Ушбу машина нафақат дизайни, балки двигатель имкониятлари, хавфсизлиги ва қулайлиги янада оширилган бутунлай янги автомобилдир.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб туҳфа бўлган мазкур автомашина "GM Uzbekistan" заводларидан чиқаётган ўн биринчи модель бўлди.

Мамлакатимиз автомобиллари нафақат маҳаллий, балки хорижий бозорларда ҳам ўз ўрнини топди. Замонавий дизайни ва техник имкониятлари билан истеъмолчилар ишончини қозонган автомобилларимизни бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида учратиш мумкин.

Маҳаллийлаштириш дастури самаралари

Маҳаллийлаштириш автомобилсозликни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришга замонавий, самарали технологияларни жорий этишни жадаллаштириш имконини беради. Энг муҳими, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни рағбатлантириш ва бутловчи қисмлар импортини қисқартириш ҳисобига валютани тежашга хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизда бамперлар, автоэмаллар, герметиклар, саноат бўёқлари, тутун чиқаргичлар, ёнилғи баклари, ёнилғи насослари, автомобиль ойналари ва ўриндиқлари, аккумуляторлар, электр ўтказгичлар учун жгутлар, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари, ташқи ёритиш воситалари, ёнилғи мойи ва ҳаво фильтрлари, капсулаланган ойналар, генераторлар ҳамда компрессорлар, ғилдирак дисклари, шунингдек, шасси узеллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Дастлабки йилларда "Ўз-ДонгЖу", "Ўз-ДонгВон", "Ўз-ТонгХонг", "Ўз-Сэмюнг" каби ўнга яқин қўшма корхона ташкил этилган бўлса, ҳозирги пайтда "Ўзавтосаноат" АК таркибида 35 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш субъектлари фаолият кўрсатаяпти.





2011 йилда "General Motors" компанияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маҳаллийлаштириш дастури асосида ташкил қилинган мазкур корхона йилига 225 мингдан ортиқ двигатель ишлаб чиқариш қувватига эга. "Евро-5" халқаро экологик стандартлари асосида тайёрланаётган двигателлар Асака автомобиль заводига етказиб берилиши билан бирга экспорт қилинаётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури соҳа корхоналари учун кенг имкониятлар яратмоқда. Дастурга мувофиқ "Ўзавтосаноат" корхоналарида амортизатор, спидометр, автомобиллар учун резинотехник буюмлар, кичкина ва стационар батарея, радиатор, кондиционер ва шовқинни тўсувчи материаллар каби 30 турдан зиёд саноат маҳсулотлари маҳаллийлаштирилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимиз автомобилсозлик соҳаси жамиятнинг бошқа турдош соҳаларга ҳам ижобий таъсир ўтказиб, бандликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Ҳозирги пайтда компания тизимида 27 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётгани бунинг яққол далилидир.

Кичик бизнесга қанот бўлиб

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоқларининг тараққий этиши транспорт хизматларига бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келди. Бу йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш баробарида юк автомобиллари паркини янгилаш, турларини кўпайтириш заруратини келтириб чиқарди.

90-йилларда аксарият юк транспорт воситалари буткул эскиргани, қолаверса, нарх белгилашда кўпроқ автомобилнинг юк кўтариш қобилиятидан келиб чиқилгани оқибатида ташиш харажатлари маҳсулот рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилдан бирига айланганди. Бу, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун қимматга тушмоқда эди.

Мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғини ривожлантиришда ушбу жиҳатлар алоҳида эътиборга олингани 2007 йилда Самарқанд автомобиль заводида уч турдаги юк машинаси ишлаб чиқаришнинг бошланишида намоён бўлди.

Япониянинг "Isuzu Motors Ltd" ва "Itochu Corporation" компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур заводда кичик, ўрта, оғир юк ташувчи автомобиллар билан бир қаторда, автобуслар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган. Заводнинг ёш муҳандислари саъй-ҳаракати билан йигирмадан зиёд кузов модификациялари, хусусан, бортли, енгил ҳамда изотермик фургонлар, рефрижераторлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ташишга мўлжалланган машиналар, ўзиағдаргич (самосвал) ва ўт ўчириш автомобиллари, кўчма (мобиль) қон қуйиш станциялари ҳамда дорихоналар, газ-қутқарув, махсус транспорт воситалари яратилиб, серияли ишлаб чиқарилмоқда.

Табиий газда ҳаракатланишга мослаштирилган юк автомобиллари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани мамлакатимизда транспорт эксплуатацияси харажатларини қисқартириш, экологик тоза ёқилғи манбаларидан фойдаланиш кўламининг ортишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 16 февралдаги "Оғир юк кўтарадиган автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, мамлакатимизда оғир юк ташувчи "MAN" автомобиллари ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилишига асос солинди.

Ҳозирги кунда "JV MAN Auto Uzbekistan" Ўзбекистон – Германия қўшма корхонасида 15 тоннадан 40 тоннагача юк кўтариш қувватига эга 50 дан ортиқ турдаги замонавий ҳамда ишончли юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Уларга "UzAuto Trailer" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган тиркамалар ўрнатилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Ҳар бир хонадонда

Автомобиль аҳолининг узоғини яқин қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан бири. Мустақиллик йилларида халқимиз турмуш даражаси нақадар юксалганини биргина шу жиҳат орқали ҳам англаш, ҳис қилиш мумкин. Бугун мамлакатимизда ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилга эга.

– Аввалларимиз ҳовли-жой деганда бир неча хонадан иборат уй тушуниларди, – дейди Бахмал туманида яшовчи Баҳриддин Турсунов. – Эндиликда уй қуриш машина қўйиладиган жойни тиклашдан бошланадиган бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, тараққиётнинг "ўзбек модели" ёрқин инъикоси бўлган мамлакатимиз автомобиль саноати йигирма йилда тез ва барқарор суръатларда ривожланиб, мустақилликнинг мустаҳкам саноат тармоғига айланди. Айни вақтда 52 автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатдан бири бўлган мамлакатимиз ишлаб чиқариш қувватлари бўйича биринчи ўттизталикдан жой олгани миллий автосаноатнинг халқаро нуфузи тобора ортаётганидан далолат беради. Буларнинг барчаси истиқлолимизнинг илк кунларида Президентимиз томонидан илгари сурилган Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, деган ғоя – олий орзуимизнинг рўёбга чиқаётганининг амалий тасдиғидир.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КИТОБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

ЎзЛиДеПда Президентимизнинг "Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" ва "Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир" номли китоблари мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши раиси С.Турдиев ва бошқалар мазкур китоблар истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтгани, мустақиллик йилларида барча вилоятларда буюк ўзгаришлар содир бўлганини чуқур англашга хизмат қилишини таъкидлади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам улкан янгиланиш ва ўзгаришлар рўй бермоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётир. Бир вақтлар фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган бу вилоятларда бугун саноат, кичик бизнес, маданият, туризм ва бошқа соҳалар жадал ривожланмоқда.

– Мазкур китобларда тадбиркор ва фермерларнинг фаолиятига юқори баҳо берилиб, келгусидаги долзарб вазифаларга тўхталиб ўтилган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Шуҳрат Бафоев. – Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари парваришида замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, истиқболли навларни экиб, ҳосилдорликни янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу мақсад ва вазифалар биз, депутатларга ҳам катта масъулият юклайди.

Давра суҳбатида партиянинг барча бўғинлари фаоллари, депутатлик корпуси вакилларини жалб этган ҳолда мазкур китобларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни тадбиркор ва фермерлар, кенг жамоатчилик, ёшлар орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш борасидаги вазифалари белгилаб олинди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

"Ўзбекистон" меҳмонхонасида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик — энг улуғ, энг олий неъмат!" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда партиянинг Мирзо Улуғбек туман Кенгашлари томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Ҳайдар Бобохоновнинг "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик, истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар", Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси Бобоқул Тошевнинг "Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши", Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметованинг "Шу азиз Ватан барчамизники!" мавзуларида маърузалари тингланди.

— Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимиз, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва барқамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар яратиб берди, — дейди Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси Шаҳзода Қурбанова. — Биз учун Энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш мақсадида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган тарғибот-ташвиқот, маданий-маънавий тадбирларини жойларда олиб бориш барчамизнинг эзгу мақсадимиздир.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик давлат қуриш, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини яратиш борасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимиз аҳолисининг нафақат турмуш фаровонлиги ҳуқуқий ва очиқ фуқаролик жамиятининг муҳим омили бўлган, фуқароларнинг сиёсий онги ҳамда маданиятини оширишга хизмат қилиши, Ўзбекистон ХДП учун асосий сиёсий йўналиш, бу – электорат манфаати учун кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши хотин-қизлар, болаларни, имконияти чекланганларни қўллаб-қувватлашдан иборат эканлиги тўғрисида сўз юритишди.

— Тадбир давомида юртимиз мустақилликка эришган давр ва сўнгги йиллардаги ютуқлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди, — дейди "Ўзбекистон" меҳмонхонасининг меҳмонларни қабул қилиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Улашев. — Вақтлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуғ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади. Ўтган чорак аср мобайнида биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни ўйласак, аввало: "Ким эдиг-у, ким бўлдик?" деган саволга жавоб излаймиз. Шунинг баробарида "Эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган қатъий мақсадни белгилаймиз ва албатта кўзлаган эзгу орзуларимизга эришамиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан хорижий сайёҳларнинг катта оқимини ўзига жалб қилиб келмоқда. Мана бир неча ўн йилдирки, меҳмонхона хизмат кўрсатишнинг жаҳон стандартларини ва ўзбекона миллий меҳмондўстликни ўзида акс эттирган ҳолда дунёнинг барча мамлакатларидан меҳмонларни қабул қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида меҳмонхонада жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Меҳмонхонанинг моддий-техника базаси ривожлантирилди, ходимларнинг мутахассислик бўйича маҳоратларини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ходимларимиз чет эл мамлакатларида малака ошириш имконига эга бўлишди. Ўзбекистоннинг бугунги кунда дунёга машҳур бўлган сайёҳлик салоҳиятини дунё мутахассислари ҳам юқори баҳолашмоқда. Тарихий маданий мерос намуналари, қадимий меъморий обидаларга бой ўзбек диёрига хорижлик, айниқса, ғарб мамлакатларидан ташриф буюраётган меҳмонларни оҳанграбодек тортиб, лол қолдириб келмоқда. Дунёнинг кўп мамлакатларида юз бераётган нотинчликларни кўра туриб, Ватанимизга кўз тегмасин деймиз.

Зиёда РАСУЛОВА

Мана 3 йилдирки, анъанага айланиб улгурган "Ахборот - кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси" Республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

КАДРЛАР МАЛАКАСИ – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Танлов Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан ўтказилади.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар мутахассислари ўртасида 3 босқичда ўтказиб келинмоқда.

Танловнинг асосий мақсади – ахборот-кутубхона касбининг касбий аҳамиятини, маҳоратини ва нуфузини оширишдан иборат.

Унинг вазифалари Республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг касбий фазилатларини, ижодий салоҳиятини, ишбилармонлик фаоллигини намоён қилиш, ишга бўлган ижодий ёндашувни, ахборот-кутубхона фаолиятини тарғиб қилишнинг янги шаклларини ва усулларини излашни рағбатлантириш, унинг фонди ва хизматларини, илғор иш тажрибасини ёйиш, республика ахборот-кутубхона ишини ривожлантиришга кўмаклашиш каби муҳим жиҳатларни ўзида акс эттиради.

Тошкент шаҳар "Bilim" Ахборот-кутубхона марказида Тошкент шаҳри Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари ўртасида Республика танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу танловда барча таълим тизимидаги Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналаридан вакиллар, яъни 1-босқичда ғолибликни қўлга киритган мутахассислар иштирок этдилар.

Танловда иштирокчилар 3 турда белгиланган асосий мезонлар бўйича куч синашдилар.

Биринчи тур – уй вазифаси, яъни 15-20 слайддан тайёрланган тақдимотни намойиш этиш. Тақдимотда "Мутахассиснинг ташриф қоғози" мавзусида тақдимот тайёрлашдан иборат. Қўйилган талаб таништирилаётган ахборот-кутубхона муассасаси тўғрисида ахборот: фойдаланувчиларни қамраб олиш даражаси, фойдаланувчилар контингенти, китобхонларга яратилган шарт-шароит, китобхонларга қайси хизматларни кўрсатади, қандай ижтимоий-маданий тадбир ўтказилгани ва бошқалар. Шунингдек, иштирокчи томонидан қандай лойиҳа, хизматлар, тадбирлар ташкил этилганлиги, китобхонларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва методларини фаол тадбиқ этиш, ахборот-кутубхона муассасасининг фойдаланувчиси бўлишнинг 5 омили ҳамда материални профессионал тарзда баён этиш ва етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Иккинчи тур – 50 та тестларга барча иштирокчилар жавоб беришди. Яъни: ахборот-кутубхона соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга доир ахборот-кутубхона иши стандартларига ҳамда адабиёт намояндалари фаолиятига оид танлов иштирокчисининг умумий ақл-заковатини аниқлаш учун берилган саволлар иштирокчиларнинг билим савиясини аниқлашда ёрдам берди.

Учинчи тур – замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдалана олиш. Танловнинг барча иштирокчиларига аниқ бир мавзу берилди, иштирокчи 15 дақиқа ичида мавзуга оид интернетдан материал йиғиши керак эди. Ҳакамлар ҳайъати ушбу шартни баҳолашда йиғилган материалнинг берилган мавзуга мос келишига, йиғилган материалнинг ҳажмига, ахборот қидируви жараёнида нечта сайтдан фойдаланилганлигига ва ахборот қидирувининг тезкорлиги мезонлари асосида ўз баҳолари ва фикрларини билдиришди.

Танловнинг натижалари юзасидан ҳакамлар ҳайъати танловнинг мақсади, вазифаларига кўра шартлари ва уларни бажаришда иштирокчиларнинг қай даражада тайёргарлик кўргани, белгиланган шартларни мезон асосида бажаришдаги ютуқ ва камчиликлари ҳақида батафсил таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, танловнинг мезонлари асосида ҳамда танлов иштирокчиларидан шаффофлик тамойилига тўлиқ амал қилган ҳолда ўтказилганлигига алоҳида урғу берилди ва танлов шартлари бўйича тўпланган баллари натижаларига кўра олий ўринга Яшнобод тумани 166-мактаб АРМ раҳбари Насиба Қаюмова, 1-ўринга Яккасарой тумани 160-мактаб АРМ тармоқ маъмури Нодира Қабулова, 2-ўринга Юнусобод тумани 259-мактаб АРМ тармоқ маъмури Лобар Соипова, 3-ўринга Учтепа тумани 283-мактаб АРМ кутубхоначиси Умида Жалоловалар муносиб топилди.

Танловнинг 2-босқичи ғолиби Яшнобод тумани 166-мактаб АРМ раҳбари Насиба Қаюмова номзоди жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Республика танловининг 3-босқичига, яъни Тошкент шаҳридаги мавжуд турли тизимларнинг мутахассисларидан ташкил топган 5 нафардан иборат бўлган жамоанинг бир вакили сифатида қатнашади.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар "Bilim" Ахборот-кутубхона маркази директори

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда партиянинг 2016 йил биринчи ярмидаги фаолияти ва иккинчи ярим йилликдаги режалари муҳокама қилинди, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳисоботи тингланди.

Партия марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишга асос бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган учрашувларда истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган улкан натижалар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг аҳамияти, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бораётгани кенг тарғиб этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 2 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори байрамни муносиб кутиб олишда дастуруламал бўлмоқда.

Йиғилишда фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти ва жойлардаги учрашувларда сайловчилар кўтарган муаммолар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди. Партия электорати билан самарали ишлаш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Сайловчилар томонидан 733 мурожаат келиб тушганлиги қайд этилди. Учрашувлар давомида 335 мурожаат жойларда ҳал этилган, 364 мурожаат маҳаллий давлат органларига, 34 мурожаат тегишли ташкилотларга юборилганлиги таъкидланди.

Йиғилишда фракция аъзоларининг сайлов округларида олиб борган ишлари ҳам кўриб чиқилди.

БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газетамизнинг ўтган сонларида Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан ҳар бир туманда 25 та кўчани ободонлаштириш ва 25 та болалар ўйингоҳларини бунёд этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича Учтепа, Олмазор ва Юнусобод туманларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бугун мавзуни давом эттириб, Мирзо Улуғбек, Чилонзор ҳамда Шайхонтоҳур туманларида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Мирзо Улуғбек туманида шоҳ кўчалар 22 тани ташкил этади. Туманда кўчаларни ободонлаштириш ишлари барвақт бошланди. Мустақиллик, Мирзо Улуғбек кўчаларида таъмирлаш, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари якунланди. Айни пайтда қолган марказий ва ички кўчаларда ишлар жадаллик билан олиб борилаяпти.

Мустақиллик шоҳ кўчасида мавжуд объектлар сони 30 тани ташкил этади. Шундан 18 таси турар жой, 12 таси нотурар жой бинолари саналади. Кўчанинг узунлиги 3 км.ни ташкил этади. Ушбу иншоотларнинг чиройли таъмирлангани, кўча атрофларининг обод қилингани эътиборга лойиқ. Мирзо Улуғбек шоҳ кўчасининг узунлиги 1,2 км. бўлиб, жами 89 та объектлар ўрин олган. Шунинг 79 таси турар жой бинолари бўлса, қолган 13 таси нотурар жой бинолари тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Трамвай йўли демонтаж қилинди, кўп қаватли уйларнинг дераза ёнлари миллий услубда безатилди. Кўча четига райҳонлар экилди.

Республика эндокринология маркази биноси олдидан олдинга қараб юрамиз. Равон ва кўркам йўлларда машинада сайр қилишнинг ўзгача гашти бор. Мирзо Улуғбек ва Темур Малик кўчалари чорраҳаси кесишувидаги ойнаванд бекат эътиборимизни тортди. Ичида ўриндиқлар, кондиционер ўрнатилган. Савдо хизмати кўрсатилади. Йўловчи салқин жойда автобус кутади. Худди шу сингари бекатлар бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этилмоқда.

Феруза кўчасининг узунлиги қарийб 1 км.ни ташкил этади. Ушбу кўчада 97 та объект – 88 та турар жой, 9 та нотурар жой бинолари мавжуд. Айни пайтда бу ерда ободончилик ишлари давом этмоқда. Қарийб 2 км.ни ташкил этувчи Юзработ кўчасида ҳам ишлар қизғин, ТТЗ – 2 даҳаси бўйлаб юрганимизда бу ерда ҳам ойнаванд, кондиционерли бекат қуриб битказилганлигининг гувоҳи бўлдик. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази биносининг ташқи фасади таъмирланмоқда. Айтиш жоизки, Мирзо Улуғбек туманида шу чоққача белгилаб олинган қарийб 20 та кўча буткул таъмирланди, 17 та болалар ўйин майдончаси барпо этилди.

— Оққўрғон кўчасининг узунлиги 1,4 км, — дейди "Дархон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Боймуҳамедов. — 26 та объектнинг 19 тасини турар-жой, 7 тасини нотурар жой бинолари ташкил этади. Айни пайтда ушбу кўчадаги дарахтларнинг кераксиз шохлари кесилиб, тартибга келтирилди, биноларнинг фасад қисмлари бўялди, гуллар экилди. Маҳалламиз аҳолиси ҳамжиҳатликда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини кўтаринки кайфиятда кутиб олиш ниятидамиз...

Мухтасар қилиб айтганда, Мирзо Улуғбек тумани бўйича 50 ободлик иш кунида жами 88 км. узунликдаги 100 та кўчада 5353 та турар-жой, 696 та нотурар жой тўлиқ таъмирланади. Ҳудуд янада ободонлашади.

Чилонзор туманидамиз. Мутасаддилар билан биргаликда кўчаларни айланамиз. Метронинг Чилонзор бекатидан Кичик ҳалқа йўли орқали Қатортол кўчасига қараб юрамиз. Бу кўча атрофлари одамлар сайр қилиб юрадиган масканга айлантирилмоқда. Экилган гуллар қуриб қолмаслиги учун суғориш тизими яратилди. Ирригация тармоқлари тозаланди, райҳон ва турфа гуллар экилди. Кўча атрофидаги бинолар бўялмоқда. Лозим бўлган жойлар асфальт қилинмоқда. Масалан, Қатортол 2 тор кўчасининг 167 квадрат метр қисми асфальт қилинди.

— Маҳалламизда 2 мингга яқин аҳоли асосан ҳовлили уй-жойларда яшайди, — дейди "1- Қатортол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирсобит Абдуллаев. — Қилинган ишлар ҳақида айтадиган бўлсам, биноларнинг фасад қисми оқланди, асфальт қопламаси ётқизилди, кўчалар юзига райҳон ва гуллар экилди.

Чилонзор 1 мавзеда аҳоли учун дам олиш сайилгоҳи қурилаяпти. Кўчалар атрофидаги биноларнинг фасадлари бўялиб, кўп қаватли уйларнинг ромлари атрофи нақшлар билан безатилмоқда.

Чилонзор тумани миқёсида кенг кўламли ишлар Муқимий кўчасида амалга оширилмоқда, деб айтиш мумкин. Чунки, бу кўчадан илгари трамвай йўли ўтган бўлиб, ҳозирда унинг ўрнига асфальт қопламалари ётқизилмоқда, шу тариқа йўл кенгайтирилаяпти. Кўча атрофида тадбиркорлик субъектлари ўзларига қарашли ҳудудни байрам олдидан янада кўркам ҳолга келтиришмоқда.

Бугунги кунга келиб, Муқимий кўчаси бўйлаб 2,5 км. узунликдаги ҳудудда жойлашган 55 та уй, 220 дан ошиқ нотурар бинолар таъмирланди. Савдо мажмуалари замонавий қопламалар билан қопланяпти. Кўп қаватли уйларнинг деразалари пастки қисми миллий нақшинкор услубда безаклар билан чиройли ҳолга келтирилаяпти, тунда ўзи ёниб турадиган кўча ва уй рақамларини ифодалавчи пешлавҳалар ўрнатилмоқда.

— Маҳалламиз ҳудудидаги кўчалар, уйлар атрофини янада обод ва кўркам ҳолга келтиришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди "Катта Қозиробод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуҳаким Тожибоев. — Байрам арафасида қилинаётган бундай хайрли ишлар шаҳримизнинг янада гўзал ва обод бўлиши учун хизмат қилади. Бу ўзгаришларни кўриб, халқимизнинг ғайратига-ғайрат қўшилмоқда.

Умуман олганда, Чилонзор туманида шу кунгача 4 та секторда 27 кўча таъмирланди, маҳаллалар ичида 14 та болалар ўйингоҳи ишга туширилди.

Шайхонтоҳур тумани кўчалари бўйлаб сафаримизни давом эттирдик. Бугунги кунда ушбу туманда ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирган.

Айниқса, Абдулла Қодирий, Навоий, Нурафшон шоҳ кўчаларида амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқ.

Абдулла Қодирий шоҳ кўчаси бўйлаб ҳаракатланамиз, йўл четларига экилган райҳонларнинг хушбўй ҳидлари димоғимизга урилади. Зулфияхоним кўчасидан Нурафшон кўчаси томон борилямиз. Янги қурилган уйлар, равон кўчалар баҳри-дилингизни очади. Тахтапул кўчаси ички кўчалардан бири бўлиб, бу ерда уй фасадлари сувалиб оқланди, дарахтларга шакл берилди. Туманда шу чоққача 4 сектор бўйича 30 та кўча таъмирланди, 15 та болалар ўйин майдончаси қад ростлади, 40 таси таъмирдан чиқарилиб, янги қиёфа касб этди.

— Туманимиз 4 та секторга бўлинган бўлиб, ҳар бир сектор бўйича 25 та кўча, жами 100 та кўча ободонлаштирилмоқда, — дея маълумот беришди туман мутасаддилари. — Бундай ишларнинг барчаси, фидокорона меҳнат туфайли бўй кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат шундай. Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган ишлар бир зум бўлса-да, тўхтамайди. Нурафшон кўчасидан Чилонзор Оқтепа майдонигача 3,8 километрли йўл жадал суръатларда янгидан барпо этилмоқда. У Мустақиллигимиз байрами арафасида очилиши режалаштирилган. Равон йўллар сафи яна кўпаяди. Транспорт қатновида енгилликлар юзага келади...

Ўзимиз яшаб турган мўътабар юртнинг қадрига етиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Она заминга муҳаббат эса уни обод қилиш орқали намоён бўлади. Ободлик бор жойда – барака бўлади, унум бўлади.

Биз келгусида шаҳримизнинг бошқа туманларида амалга оширилаётган байрамолди ободонлаштириш ишларини ёритиб борамиз.

З. ШАРИФЖОНОВ
К. Ўлмасов олган суратлар



МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ва республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик – бебаҳо неъмат" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий кенгаши марказий аппарат масъул ходимлари, партия фаоллари, республика байналмилал маданият маркази ҳамда миллий-маданий марказлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги тинч ва фаровон хаётимиз кўп миллатли халқимизнинг меҳнати самарасидир. Хусусан, 130 дан ортиқ миллат, 16 диний конфессия вакилларининг барчаси тинч-осойишта ҳаёт кечириб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ўз урф-одат ва расм-русумларини тўлиқ адо этиши, миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаши учун барча шароит яратилган. Миллий маданият марказлари фаолияти самарали йўлга қўйилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Айниқса, умумтаълим мактабларида таълим етти тилда олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета-журналлар саккиз тилда чоп этилаётгани, ўн тилда радио ва теледастурлар эфирга узатилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Шунингдек, бош Қомусимизда ҳам мамлакатимизда яшовчи барча миллат вакилларининг тенглиги, эркинлиги, қонуний манфаатлари, тили, эътиқоди ва миллий қадриятлари ҳурмат қилиниши белгилаб қўйилган. Партия сайловолди дастурида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, эркинлик, адолатлилик, бирдамлик каби социал-демократик тамойилларини таъминлаш илгари сурилган.

Миллий маданий марказлар томонидан ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, "Ўзбекистон – умумий уйимиз", "Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда", "Ватан ягонадир – Ватан биттадир" каби шиорлар остида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган фестивал-лар, давра суҳбатлари кўп миллатли халқимизнинг нечоғлик аҳил яшашидан далолат беради.

Байрам тадбири иштирокчиларига миллий-маданий марказларнинг бадиий жамоалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар кўтаринки кайфият улашди.

Абдуалим САЛИМОВ

"Тошбозорсавдо" уюшмасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган "Тошкент шаҳар деҳқон бозорларида етишмайдиган тарозиларнинг ўрнини қоплаш ҳамда мавжуд механик тарозиларни янгилаш мақсадида замонавий электрон тарозиларни 2016 йил ҳисобидан харид қилиш бўйича Режа-жадвали" ижросига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Маълумки, пойтахтимизда 12 та деҳқон бозори мавжуд бўлиб, кейинги пайтда уларда аҳоли учун қулай шароитлар яратилмоқда. Миробод ва Олой деҳқон бозорларининг миллий услубда қайта таъмирланиши сотувчи ва харидорларга замонавий шароитларни яратиш билан бирга шаҳримиз кўринишига янада чирой қўшди.

Аммо айрим деҳқон бозорларида ҳамон эски, яроқсиз, хусусий тарозилардан фойдаланиш ҳолатлари мавжуд.

Йиғилишда "Тошбозорсавдо" уюшмаси раисининг ўринбосари Мўмин Қодиров, "Ўзстандарт" агентлиги қошидаги Метрология хизмати кўрсатиш маркази директори ўринбосари Ғайрат Газиев, Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бош мутахассиси Жамшид Ҳабибуллаев ва бошқалар бу борада олиб борилаётган ишлар, мавжуд камчиликлар ҳақида сўз юритишди.

Айтиш ўринлики, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда истеъмолчи маҳсулотни тарозида текшириб олиши, нархга доир ҳужжатларни сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, "Метрология тўғрисида"ги қонуннинг 14, 17 - моддаларида савдо-сотиқда қўлланиладиган тарозилар бир йилда бир маротаба қиёслаш кўригидан ўтказиб турилиши кўрсатилган. Шунингдек, қонуности ҳужжатларда, бозорда тарозихона мавжуд бўлиши, унинг санитария-гигиена қоидалари талабларига жавоб бериши ва бошқа жиҳатлар белгилаб берилган.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим деҳқон бозорларида бу борада айрим муаммолар юзага келган, тарозилар жойлар сонига нисбатан етишмайди, хусусий электрон тарозилар қиёслаш кўригидан ўтмаган.

Йиғилишда мавжуд чора-тадбирлар режасига кўра, деҳқон бозорлари ўз вақтида янги замонавий тарозиларни харид қилиш масалаларига эътибор қаратилиб, семинар иштирокчиларига ҳозирги давр талабига жавоб берадиган, замонавий тарозиларни харид қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Қ.ЗОКИРОВ

ЯНГИ ОВОЗЛАР КАШФ ЭТИЛАЁТИР

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ёшлар маданият ва санъат маркази" давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Янги овозлар" телетанловининг дастлабки саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг истеъдодига кенг йўл очиш, йигит-қизларни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларда устувор ўрин эгаллайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу йўналишдаги ишларни давр руҳи билан ҳамоҳанг йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган "Янги овозлар" телетанлови ёшларнинг хонандалик йўналишидаги истеъдодини юзага чиқариш, уларнинг маҳоратини ошириш, миллий ва жаҳон хонандалик санъатининг энг яхши анъаналарини тарғиб этиш каби мақсадларни кўзлайди. Телетанловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар 400 нафардан ортиқ бўлиб, илк босқичда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳаваскор ва профессионал хонандалар қатнашди.

Кўп босқичли ушбу ижодий лойиҳа давомида ҳар бир иштирокчининг ижодий маҳорати синовдан ўтказилади.

– Юртимизда ёшлар камолоти, уларнинг истеъдодини чархлашга йўналтирилган танловлар, ижодий фестивалларнинг кўплиги, ранг-баранглиги ҳар бир ёш ижрочини қувонтиради, – дейди Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти 2-курс талабаси Фарангиз Музаффарова. – Ушбу танлов учун композитор Дилором Омонуллаева ижодига мансуб бир неча қўшиқларни тайёрлаб келдим.

Саралаш босқичида ғолиб бўлганлар танловнинг кейинги босқичларида иштирок этади. Ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

2016 йил 30 август куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион савдоси"га қуйидаги мулклар чиқарилмоқда: 1. СИБ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган: Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 27.11.2015 йилдаги 58-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 30 677 271 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 77/7-уйда жойлашган умумий ер майдони 12829,0 кв. метр, ер бўлагининг майдони 88215,0 кв. метр, фойдали майдони 11671,88 кв. метр бўлган и/ч цехлари ва омборхона бинолари; 62-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 403 091 695 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар 1-тор кўчаси, 29-уйда жойлашган умумий ер майдони 1436,40 кв. метр, ер майдони 895,48 кв. метр, қурилиш ости ер майдони 540,92 кв. метр бўлган кўчмас мулк объекти; Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 27.11.2015 йилдаги 18-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 167 096 584 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 6-уйда жойлашган умумий майдони 68,60 кв. метр, яшаш майдони 41,75 кв. метр, 3 хонадан иборат 43-хонадон; Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 27.11.2015 йилдаги 20-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 187 386 090 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Миробод тумани, С.Азимов кўчаси, 89-уйда жойлашган умумий ер майдони 91,39 кв.метр, яшаш майдони 58,67 кв. метр, 4 хонадан иборат 26-хонадон; 2. ЖИБ Юнусобод туман судининг 21.08.2013 йилдаги 246/13-сонли ижро варақасига асосан Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 1 923 693 851 сўм 01 тийин бўлган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган умумий ер майдони 19992,0 кв. метр бўлган бино ва иншоотлар. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "*INFI*Nbank"даги МФО:01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173

Кўргазмалар

МАФТУНКОР ЧИЗГИЛАР



Ўзбекистон Бадиий Академияси Икуо Хираяма номли Халқаро маданият карвон саройида амалий санъат устаси Римма Газалиеванинг "Мафтункор чизгилар" номли шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ушбу ижод соҳибаси чинни буюмларга миллий нақш ва гулларни ўзига хос усулда битади. Айниқса, унинг атлас ҳамда адрас нақшлари билан яратган асарлари ҳар қандай қалбни мафтун этади.

Римма Газалиева илк шахсий кўргазмасини 2004 йил пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида ўтказган. Шунингдек, республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси ҳамдир. Ҳар йили ўтказиладиган Наврўз ва Мустақиллик байрамларига бағишланган кўргазмаларда муносиб иштирок этиб келмоқда.

Рассомнинг жуда кўплаб чинни идишлар тўпламлари Россия, Франция, Англия, Германия, АҚШ, Австралия, Ҳиндистон, Италия, Чехия, Польша, Австрия, Греция, Хитой, Япония каби мамлакатлардаги шахсий коллекцияларда сақланиб келинмоқда.

Мусаввир ўзининг ушбу шахсий кўргазмасида тақдим этган суратлари барча санъат ихлосмандларининг кўнглида чуқур из қолдирди. Айниқса "Ошхона тўплами", "Тонг", "График ишлар" "Атлас" идишлар тўпламлари ва бошқа шу каби қатор асарлари ўзгача бир иштиёқ уйғотади.

Зафар НАЗАРОВ
Алексей Попов олган сурат

Ёшлар ижод саройида шахмат ва шашка бўйича "Биз ақл-идрокли оилалармиз" мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Мусобақалар

ТАФАККУР СИНОВИ

Турнир Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви, шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, мамлакатимиз шахмат федерацияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда қатор ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Мамлакатимизда шахмат-шашка спорт турларини янада кенгроқ тарғиб этиш ва оммалаштириш мақсадида ташкил этилаётган мусобақада 22 оилавий жамоа ўзаро баҳслашди.

— Қадимий ақл-идрок ўйини саналган шахмат ва шашкани маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида эъзозлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мантиқий тафаккур даражасини ўстириш, оилалар ўртасида спортнинг ушбу турларини янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида мазкур мусобақа ўтказилмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви етакчи мутахассиси Абдусамад Саидазимов. — Шу билан бирга мазкур турнир оилаларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб этиш, улар ўртасида бирдамликни таъминлаш ва ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилмоқда. Мусобақаларнинг маҳаллалараро ва туман босқичларда 14430 нафардан ортиқ оилалар иштироки таъминланди. Шундан 30000 га яқин вояга етмаганлар қамраб олинди. Таъкидлаш жоизки, Шахмат ва шашка бўйича "Биз ақл-идрокли оилалармиз" спорт ўйинларининг республика кубоги тўрт босқичда, яъни даставвал маҳаллалараро, сўнгра туман, шаҳар ва республика финал босқичи учрашувлари шаклида ўтказилади.

Мусобақада иштирок этиш истагида келган оилаларни кузата туриб, спортнинг шахмат-шашка тури ёш танламаслигига гувоҳ бўлдик.

— Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, фикрлаш қобилиятини юксалтиришда шахмат-шашканинг аҳамияти катта, — дейди "Энг тажрибали оила" номинацияси ғолиби, Чилонзор туманидаги "Катта Дўмбиробод" маҳалласида истиқомат қилувчи Тўлагановлар оиласи вакили. — Шу боис фарзандларимизда болалигидан спортга меҳр уйғотишга ҳаракат қиламиз. Турмуш ўртоғим ва икки нафар фарзандим сузиш спорти билан шуғулланишади. Ўзим эса танани чиниқтирувчи машқлар билан шуғулланиб тураман. Бунда маҳаллалар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларининг хизмати салмоқли бўлмоқда. Шахмат-шашка инсоннинг ақлий тафаккурини оширади. Мусобақага тайёргарлик жараёнида шахмат-шашкага оид китоблар, интернет маълумотлардан фойдаландик.

Натижаларга кўра, Шайхонтоҳур туманидаги "Лабзак" маҳалласида истиқомат қилувчи Йўлдошевлар оиласи биринчи, Олмазор туманидаги "Ниҳол" маҳалласидан Эшонхўжаевлар оиласи иккинчи ва Яшнобод тумани "Махмур" маҳалласидан Ҳошимовлар оиласи учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва фаол иштирок этган оилаларга эсдалик совғалар ҳамда дипломлар топширилди.

Нодира ЗОҲИДОВА

ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 2016 йилнинг 1 август куни пойтахтимиздаги олий ўқув юртларига кириш учун тест синовлари ўтказилиши муносабати билан соат 06.00 дан то тест синовлари тадбири тугагунига қадар қуйидаги кўчалар бўйлаб барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати чекланишини маълум қилади:

Олмазор туманида:
— Университет кўчаси бўйлаб Форобий кўчасидан Талабалар кўчасига қадар;
— Шифокорлар 1-тор кўчаси бўйлаб Шифокорлар кўчасидан ТХАЙга қадар;
Мирзо Улуғбек туманида:
— Қори Ниёзий кўчаси бўйлаб Ниёзбек йўли кўчасидан Осиё кўчасига қадар;
Шайхонтоҳур туманида:
— Пахтакор кўчаси бўйлаб;
Учтепа туманида:
— Заковат кўчаси бўйлаб Уйғур кўчасидан Мерганча 4-тор кўчасига қадар;
Яккасарой туманида:
— Шоҳжаҳон кўчаси бўйлаб Аския кўчасидан Имом-ат-Термизий кўчасига қадар;
— Шота Руставели кўчасидан Братислава кўчаси бўйлаб Юсуф Хос Ҳожиб кўчасига қадар;
— Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси бўйлаб Братислава кўчасидан Боғтепа кўчасига қадар;
Миробод туманида:
— Шаҳрисабз кўчасининг Тарас Шевченко кўчасидан Амир Темур шоҳ кўчасига қадар.

Шуни таъкидлаш лозимки, тест синовлари бўлиб ўтадиган бошқа жойларда ҳам вазият тақозо этганда, транспорт ҳаракати вақтинча чекланиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

2016 йил 15 август куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 13.04.2015 йилдаги 10-1520/2129-сонли ижро варақасига асосан Учтепа туман СИБ томонидан хатланган Учтепа тумани, 23-мавзе, 49-уй ёнида жойлашган автотураргоҳда сақланаётган қуйидаги автотранспортлар такроран қўйилмоқда: Бошланғич баҳоси 40 456 170 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/801FDA, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 42 314 581 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/803FDA, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 41 330 113 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/796FDA, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 41 920 794 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/798FDA, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/287TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/285TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/290TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/289TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/286TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/293TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/291TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/292TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/288TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 46 373 911 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/294TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 42 314 581 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/802TTE, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 71 000 000 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, д/р 01/032FDA, "Malibu" р-ли ав-на.

2016 йил 30 август куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 16.02.2015 йилдаги 10-1420/25267-сонли ижро варақасига асосан Учтепа туман СИБ томонидан хатланган Учтепа тумани, 23-мавзе, 49-уй ёнида жойлашган автотураргоҳда сақланаётган бошланғич баҳоси 39 960 000 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01/431GDA, "ГБА-СПГ-ЗАЗ-FORZA" р-ли ав-на қўйилмоқда. Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK"даги, МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

Спорт янгиликлари

ЎРТОҚЛИК ЎЙИНИДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

Пойтахтимиздаги муҳташам "Бунёдкор" стадионида Ўзбекистон ва Ироқ миллий терма жамоаларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Мазкур беллашувда Самвел Бабаян шогирдлари Ироқ терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Ҳамюртларимизнинг голлари ҳужумчилар — Марат Бикмаев ва Элдор Шомуродов ҳисобига ёзилди.

Бу ўйинда терма жамоамиз бош мураббийи Самвел Бабаян фақат чемпионатимизда иштирок этадиган футболчилар хизматидан фойдаланди. Шундай бўлса-да, терма жамоамиз яхши ўйин намойиш этиб, ишончли тарзда ғалаба қозонди.

Биринчи бўлим футболчиларимизнинг устунлигида ўтди. 7-дақиқадаёқ ҳисоб очилди. Жамшид Искандаров тўпни эгаллаб олиб, чап қанотдан олдинга ўтаётган Шомуродовга оширди. Элдор тўпни жарима майдонига етказганида Марат Бикмаев яқин масофадан боши билан зарба бериб, тўпни дарвозага жойлади. У дарвозабоннинг ҳаракатига қарама-қарши бурчакка тўпни йўллаб қўйди.

24-дақиқада ҳамюртларимиз иккинчи марта рақиб дарвозабонини ожиз қолдиришди. Тиниб-тинчимас Жамшид Искандаров ўнг қанотдан жарима зарбасини амалга ошириб, тўпни дарвозабон майдончасига етказганида, Элдор Шомуродов боши билан зарба йўллаб, тўпни дарвозанинг юқори бурчагига жойлади!

Ўйин охирида ироқликлар фаоллашиб қолишди ва ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлишди. Игнатий Нестеров тўпга чиқишда хатоликка йўл қўйиб, уни ушлаб қола олмади. Натижада, Абубакр Баяр тўпни бўш қолган дарвозага йўллади.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

Жасур Абдураимов бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Сингапур футбол ассоциацияси томонидан ташкил этилган 21 ёшгача бўлган футболчилардан ташкил топган терма жамоалар иштирокидаги кичик халқаро турнир доирасида гонконглик тенгдошларини йирик ҳисобда мағлуб этди.

Суҳроб Нуриллоев, Саиджамол Давлатжонов ҳамда Ҳожиакбар Алижонов ўйиннинг дастлабки бўлимида биттадан гол киритиб, танаффусга Ўзбекистоннинг йирик ҳисобдаги устунлик билан чиқиб кетишини таъминлади.

Иккинчи бўлим аввалида Достон Ибрагимов Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг яна бир голига муаллифлик қилди. Шундан сўнг ўйинда дарвозаларга бошқа гол киритилмади.

Шу тариқа Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Сингапур, Гонконг, Эрон каби терма жамоалар иштирок этган ушбу халқаро ўртоқлик турнирида учинчи ўринни эгаллади.

Таъкидлаш керакки, мазкур йиғин Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учун 2016 йилнинг 13 – 30 октябрь саналари давомида Баҳрайнда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатига тайёргарликнинг навбатдаги босқичи вазифасини ўтаб берди.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Хонадонларда ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи омиллар кўп бўлиб, табиийки, улардан асосийлари маст ҳолатда сигарета чекиш, носоз электр ва газ мосламаларидан фойдаланиш, болаларнинг назоратсиз қолиб, гугурт ўйнашлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, учқун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Булар сирасига лак, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар киради. Кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишдан ташқари, кўплаб зарарли моддаларни ҳам ажратиб чиқаришини эътиборга олсак, уларнинг хавфи янада ойдинлашади.

Шу сабабли, ҳар ким ўз уйида хавфсизликни таъминлашни ният қилар экан, бу борада ёнғин хавфсизлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги лозим.

Нодир МАҲКАМОВ,
Учтепа тумани ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, сержант

* * *

Башариятнинг энг муҳим буюк кашфиётларидан бири бўлган олов инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга зарур хавфсизлик чораларига риоя этишни ҳам талаб этади. Оловдан фойдаланишга оид қоидаларга беписандлик билан қараш нафақат мол-мулкимиз, балки ҳаётимизни хавф остига қўйиш билан тенг.

Жиловланиши қийин бўлган "тилсиз ёв" кўп ҳолларда катта моддий зарар етказади, одамлар ҳаётига зомин бўлади. Бундай аянчли ҳолатларга йўл қўймаслик учун, аввало, ёнғин чиқишининг олдини олиш, ёнғин пайдо бўлган вазиятда унинг салбий оқибатларини камайтириш даркор.

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга доир мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2009 йил 30 сентябрда "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат ёнғин хавфсизлиги тизимини янада такомиллаштириш, унинг барча тузилмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини ошириш, замонавий техник ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шу асосда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш керакки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш оқибатида бир қатор қонуний жавобгарлик масалалари вужудга келади. Ушбу жавобгарликлардан асосийлари маъмурий ва жиноий жавобгарликдир.

Хуллас, ёнғинга қарши курашиш бўйича қонунлар ва қонуности ҳужжатларига қатъий риоя қилиш оддий фуқаролардан тортиб мансабдор шахсларгача мажбурийдир. Негаки, қонун устувор бўлган жойдагина тартиб бўлади.

Зафар ТОШТЕМИРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ХЁХ А/П смена бошлиғи, майор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Universal Realtor" МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан 2016 йил 18 февралдаги 353/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 25-уйда жойлашган умумий майдони 443 кв.метр бўлган, ҳужжатсиз 64 кв.метр, 4 қаватли ва ертўлали бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 1 008 989 330 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 29 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 26 август куни соат 11:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, "Universal Realtor" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Тошкент шаҳар филиалидаги МФО-00445, СТИР-302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Қўшимча маълумот олиш манзили: "Universal Realtor" МЧЖ 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон 150-35-55 Email universal.realtor@mail.ru

Лицензия RR-0127.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 12.04.2011 йилда №1173 реестр рақами, №4485-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган "YUJNAYA SERVISNAYA GRUPPA" масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси (қисқартирилган номи "YUJNAYA SERVISNAYA GRUPPA" MCHJ XK) (ИНН 206845505) ягона таъсисчининг 19.07.2016 й. №2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10 "А" манзили бўйича қабул қилинади. Телефон: +99871 150-68-18.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **29 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.30
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ